# TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2024-yil 13-noyabr / CHORSHANBA / № 90 (13749)




## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ШАРАФЛАНДИ

2

# Оққўрғон: ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ТАРИХИЙ ИМКОНИЯТЛАР



"Тошкент ҳақиқати" минбари



*Тўра БОБОЛОВ, Оққўрғон тумани ҳокими*

***Халқнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш ҳар бир раҳбарнинг энг биринчи галдаги вазифасидир. Бугун республикамизнинг барча нуқталарида бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Оққўрғон туманида ҳам.***





**Туманимиз сўнгги 10 йилликда анча ривожланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил туманимизга қилган ташрифларидан сўнг ҳудуд туб ислоҳотлар марказига айланди. Қишлоқ қиёфасидаги эски уйлар ўрнига кўп қаватли тураржойлар қурилиб, шаҳар тусига кирди, янги иш ўринлари яратилди. Президентимизнинг "Халқимиз эртага эмас, индинга эмас, бугун яхши яшаши керак", деган гаплари шиоримизга айланди.**

4

## Муносабат

**Тошкент вилояти нафақат қулай географик жойлашуви, балки сўлим гўшалари, гўзал ва бетакрор табиати, пурвиқор тоғлари, шунингдек, маданий ёдгорликлари, муқаддас қадамжолари билан бошқа ҳудудлардан ажралиб туради.**











## Тошкент вилояти: САЙЁҲЛИКНИНГ МУМТОЗ ЧОРРАҲАЛАРИ

Воҳада ёз-у қиш мириқиб дам оладиган баҳаво масканлардан ташқари Шоабдумалик ота, Шайх Умар Вали Боғистоний, Занги ота, Ийк ота зиёратгоҳлари, Гумбаз бобо мақбараси, Қайнаргумбаз сардобаси, Шоҳруҳия тарихий қадамжолари борки, улар вилоятнинг буюк ўтмиши, кўҳна ва бой маданиятидан сўзлайди. Вилоят ҳудудида 828 та моддий маданий мерос объекти бўлиб, шундан 589 таси археология, 7 таси архитектура, 74 таси монументал ёдгорлик, 159 таси диққатга сазовор жойлардир. Шунингдек, 223 таси маҳаллий ва 605 таси республика аҳамиятидаги масканлар сирасига киради. Бу эса ҳудудда туризмни ривожлантириш учун кенг имконият яратади.

Кейинги йилларда вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятини янада кенгайтириш, хорижлик туристлар оқимини кўпайтириш, уларга қулай шарт-шароитлар яратиш, янги дам олиш масканлари сонини ошириш, умуман, бу йўналишдаги ислоҳотларни жадаллаштириш борасида қатор ишлар қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон ҳамда "Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарор мазкур соҳадаги ишларни тизимли йўлга қўйишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



## Вилоят бўйлаб




**НУРАФШОН** шаҳрида "O'zdavyerloyiha" давлат илмий-лойиҳалаш институтининг «Тошвилерлойиҳа» бўлинмаси маъмурий биноси қурилади.

**ЯНГИЙЎЛ шаҳри** маҳаллаларидаги ёшлар етакчилари ўртасида "Йилнинг энг намунали маҳалла етакчиси" танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.




**ЎРТА ЧИРЧИҚ туманининг** «Дўстлик» маҳалласида «Креатив парк» ташкил қилинади. Бунинг учун вилоят маҳаллий бюджетининг 2024 йил 1-чорак якуни билан шаклланган даромадлар режасининг орттириб бажарилган қисмидан 200 миллион сўм маблағ ажратилди.

**ОҲАНГАРОН туманида** 150 иш ўрнига эга мева ва сабзавотларни қуритиш, қайта ишлаш ва консервалаш лойиҳаси иш бошлади. Лойиҳанинг умумий қиймати 15 миллион доллар бўлиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилди.



**ОЛМАЛИҚ шаҳрида** тадбиркорлик субъектининг 4,5 миллиард сўм маблағи ҳисобига замонавий кўринишга келтирилган автошоҳбекат фойдаланишга топширилди. Бу ерда аҳоли ва ҳайдовчилар учун барча қулайликлар яратилган.




Яшил макон

# Ёшлар – ҳар ишда фаол

**Вилоятда ҳудудларни кўкаламзорлаштириш, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш ишларида ёшлар ҳам фаол иштирок этишмоқда.**




3


Обуна-2025

## Ҳурматли газетхон!

*"Тошкент ҳақиқати" газетасига 2025 йил учун обуна бўлишни унутманг.*

**Хонадонингиз ва идорангизга йил бўйи ҳафтада икки марта – чоршанба ва шанба кунлари кириб бориб, Сизни зериктириб қўймасликка, яқин маслакдош бўлишга кафолат берамиз! Унутманг, оилада мутолаа маданияти газета ўқишдан бошланади!**

*Боғланиш учун телефонлар: (55) 520-21-20; (97) 432-00-35*

Нашр индекси – 205



**Эътироф**

# ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ШАРАФЛАНДИ



**«Қибрай» сиҳатгоҳида Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда соҳада самарали меҳнат қилаётган шифокор ва ҳамшираллар, масъуллар ҳамда фахрийлар иштирок этишди.**



Қайд этиш лозимки, кейинги йилларда республикамизда бўлгани каби, вилоятимизда ҳам тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ижобий самара бермоқда.

Аҳолига бирламчи тиббий хизматни яқинлаштириш мақсадида жорий йилда вилоятда 2 та оилавий поликлиника ва 8 та оилавий шифокорлик пункти ташкил этилди. Натижада бирламчи тиббиёт муассасалари сони 163 тадан 200 тага кўпайди. Яна бир жиҳат, Республика ихтисослаштирилган марказларининг ҳудудий филиаллари замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди, тизимга малакали мутахассислар жалб этилди. Биргина жорий йилда вилоятда 43 та янги хусусий клиникалар фаолияти йўлга қўйилиб, уларнинг умумий сони 874 тага етказилгани аҳолининг хусусий тиббиёт муассасаларига эҳтиёжи ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Аҳамиятлиси, яратилган имкониятлар натижасида 34 та олис ва чекка ҳудудлардаги шифокорларга бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланди. Клиник ординаторлар билан имзоланган уч томонлама шартномалар ҳисобига 2026 йилга қадар тор соҳа мутахассисларига бўлган эҳтиёж камайишига эришилади.

Байрам тадбирида аҳоли саломатлиги йўлида самарали фаолият юритиб келаётган бир гуруҳ соҳа ходимларига давлат мукофотлари, шунингдек, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари тантанали тарзда топширилди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев сўзга чиқди.



Қабул қилинган ҳужжатлар натижасида вилоятда сайёҳларга хизмат кўрсатиш соҳасида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Соҳадаги ишбилармонлар, тадбиркорларга қулай имконият ва имтиёзлар берилди. Туристлар учун энг муҳим бўлган йўналишлар – транспорт тизими, меҳмонхоналар, меҳмон уйлари, хостеллар, умумий овқатланиш, савдо, ҳунармандчилик, маданият ва санъат соҳаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Рақамларга тўхталадиган бўлсак, бугунги кунда Тошкент вилоятида салкам 30 минг ўринли 1 минг 205 та жойлаштириш масканлари мавжуд. Яъни, 50 та меҳмонхона, 73 та дам олиш зоналари, 951 та оилавий меҳмон уйлари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, 90 та хостел, 41 та санаторий ва бошқа соғломлаштириш объектлари туристларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Қолаверса, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун 140 та туристик корхоналар (52 та турагент ва 88 та туроператор, 9 та ахборот марказлари) ташкил қилинган.

Соҳа мутахассислари туризм мамлакат иқтисодий кўрсаткичининг драйвери эканини таъкидлашади. Дарҳақиқат, дунёнинг ривожланган давлатлари – Франция, Испания, АҚШ, Хитой, Италия, Мексика, Буюк Британия, Туркия, Германия, Тайланд, Швейцарияда ҳаёт фаровонлиги даражасининг ошиши сайёҳлар оқимининг кўплиги, туризм инфратузилмаси ривожлангани билан бевосита боғлиқ.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Айни шу жиҳатларни инобатга олиб, вилоятга туристлар оқимини кўпайтириш мақсадида 2024 йилда 2 трлн. 124 млрд. сўмлик 57 та инвестиция лойиҳаси, 12 та туристик фирма ҳамда 105 та янги оилавий меҳмон уйлари ташкил этиш режалаштирилган эди. Йилнинг ўтган даври мобайнида умумий қиймати 1 трлн. 399 млрд. 665 млн. сўм миқдоридаги 50 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида 2 минг 267 та янги иш ўринлари яратилди.

Мисол учун, Бўстонлиқ туманида “Family garden mountains” МЧЖ томонидан 71 ўринли, “Story Vektor” МЧЖ томонидан 50 ўринли, Оҳангарон туманида “Snow base impex” МЧЖ томонидан 45 ўринли дам олиш масканлари барпо этилди. Шунингдек, 100 та жойлаштириш воситалари (3 та меҳмонхона, 4 та дам олиш муассасаси, 18 та хостел, 1 та санаторий, 73 та оилавий меҳмон уйи, 1 та пляж туризм зонаси) ҳамда маҳаллий ва хорижий туристларга хизмат кўрсатувчи 39 та туристик фирмалар (25 та турагент ва 14 та туроператор) фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, Паркент ва Оҳангарон туманларида 2 тадан маҳаллага “Туризм қишлоғи” мақоми берилган бўлиб, йил якунига қадар яна 1 та маҳаллани улар қаторига қўшиш режалаштирилган. “Олтин ҳалқа” концепцияси асосида эса 4-7 кун тунаб қолиш дастурини ўз ичига олган 30 га яқин турмаршрутлар ишлаб чиқилди. “Оҳангарон” ҳамда “Туябўғиз” сув омборларига туташ ҳудудларни туристик марказга айлантириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

Натижада жорий йилнинг ўтган даврида вилоятга ташриф буюрган туристлар сони 14 млн. 167 минг (хорижий туристлар 769 минг, маҳаллий туристлар 13 млн. 398 минг) нафарни ташкил этди. Туризм хизматлари экспорти 300 млн. АҚШ долларига етказилди. Маълумот учун, 2022 йилда вилоятга ташриф буюрган туристлар 2,6 млн., 2023 йилда эса 8 млн.дан бироз ошган. Жорий йилги кўрсаткичдан кўриш мумкинки, туризм соҳасида қилинаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.

***2024 йилнинг ўтган ўн ойида умумий қиймати 1 трлн. 399 млрд. 665 млн. сўм миқдоридаги 50 та лойиҳа амалга оширилди.***

***Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятга ташриф буюрган туристлар сони 14 млн. 167 минг (хорижий туристлар 769 минг, маҳаллий туристлар 13 млн. 398 минг) нафарни ташкил этди. Туризм хизматлари экспорти 300 млн. АҚШ долларига етказилди.***

Шунга қарамай, вилоятга келадиган сайёҳларга қулай шароитлар яратиш, имкониятларни ошириш, воҳанинг салоҳиятини дунёга янада кенгроқ ёйиш борасидаги тизимли саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Президентимиз жорий йил 14-15 октябрь кунлари вилоятимизга ташрифларида туризм соҳасига ҳам алоҳида тўхталиб, ҳудуднинг салоҳияти анча юқори эканини таъкидладилар. Шу боис сайёҳлик масканларини кўпайтириб, хизматлар ҳажмини 2 карра ошириш топшириғи берилди. Қолаверса, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон туманлари ва Ангрен шаҳрида келгуси йилдан истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун 1,5 млрд. доллар маблағ ажратиладиган бўлди.

Режага кўра, жорий йил якунига қадар 56 та янги жойлаштириш воситалари ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 1 минг 261 тага, ўринлар сони 30 минг 500 тага, 8 та янги туроператор фаолияти йўлга қўйилиб, жами 150 тага етказилади. Вилоятнинг туризм салоҳияти ҳақида янги тарғибот материаллари ва роликлар тайёрланиб, хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналар, туристик компаниялар ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш йўлга қўйилади.

Туризмни ривожлантиришнинг жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, мазкур индустрияни юқори даромадли соҳага айлантириш учун давлат ва хусусий сектордаги барча иштирокчилар саъй-ҳаракатини бирлаштириш ва мустаҳкамлаш зарур. Шу мақсадда Тошкент вилоятида ҳам катта режалар тузилган. Жумладан, Оҳангарон туманида янги саёҳат йўналишлари ишлаб чиқилиб, туризм қишлоқларига хорижлик сайёҳларни янада жалб қилиб, туманда фаолият юритмаётган оромгоҳларда туристик хизматлар ташкил этилади.

Яна бир янгилик: Бўстонлиқ туманидаги этно қишлоқлар, диққатга сазовор жойлар ва табиат ёдгорликлари тарихи тўғрисида китоб тайёрлаш режалаштирилган. Бу ишлар амалга ошса, сайёҳларда ҳудуд ҳақида яққол таассурот пайдо бўлади. Энг муҳими, бу йўналишда халқаро тажрибалар ўрганилиб, амалиётга кенг жорий этилмоқда.

Демак, ҳали бажариладиган ишлар кўп.

**Хуршид ТОШПЎЛАТОВ,**
**Тошкент вилояти Туризм бошқармаси бошлиғининг ўринбосари**

## Тошкент вилояти:

# САЙЁҲЛИКНИНГ МУМТОЗ ЧОРРАҲАЛАРИ

**Одамийлик шеваси**

**Учинчи ноябрь куни "Байрут-Дубай-Тошкент" йўналиши билан учган самолёт Тошкент аэропортига келиб қўнди. Йўловчилар орасидаги уч болали аёлнинг бўғзига бир нарса тиқилгандай бўлди. Кўкси тўлиб, мижжаларига ёш қуйилди. Йиғлади, йиғлайверди...**




# Ватан бўлмас ВАТАНДАН ТАШҚАРИДА...

Фарзандининг йўлига зор-зор кўз тиккан онасини қучоқлаганида ҳиссиётлари янада жўшиб кетди. “Ватанимни, онамни, қариндош-уруғларимни қайтиб кўра оламанми-йўқми”, деган ўй-хаёллар, бошидан ўтган азоб-уқубатлари ортга чекингандек бўлди. Севинч учқунлари пайдо бўлди. Бу миннатдорлик туйғусидан эди.

...Кечаси осмонни ларзага келтириб қаттиқ гумбурлаган момақалдироқдан чўчиб уйғонган Заҳро, хаёлида ўзини яна Ливанда давом этаётган уруш даҳшатлари ичра юргандек ҳис қилиб, бироз талмовсираб турди. Сўнг фарзандларининг ширингина уйқуда ётганини кўриб, Чирчиқда экани, кечагина Ўзбекистонга учиб келишгани ёдига тушди. Ажал комидан омон чиққанларига шукр қилиб, кўнгли хотиржам тортди. Шу билан эрталабгача мижжа қоқмади. Бўлиб ўтган воқеалар кино тасмасидек бирин-кетин кўз ўнгидан ўта бошлади…

Заҳро бундан анча йиллар аввал юртимизга келган ливанлик Аҳмад деган йигит билан танишиб, турмуш қурганида, бошига шундай оғир савдолар тушиши етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Тақдир тақозоси билан чет эллик йигит унга уйланганидан кейин Заҳрони ўз юртига олиб кетди. У пайтлар Ливанда ҳаёт осуда кечаётган эди.

2019 йилга келиб, мамлакатда нотинчлик бошлангач, ҳикоямиз қаҳрамони оиласи билан Ўзбекистонга кўчиб келиб, Чирчиқ шаҳрида яшай бошлашди. Лекин айрим ҳужжатларнинг етишмаганлиги сабабли ўғли Жаводга Ўзбекистон фуқаролиги берилмади. Улар яна Ливанга қайтиб кетишга мажбур бўлишди.

Жорий йилнинг сентябрь ойида улар яшайдиган мамлакат пойтахти Байрутда уруш янада авж олди. Тинч аҳоли истиқомат қиладиган шаҳарга бомба, ракеталар ёғила бошлади. Бу уруш вайронгарчилик ва инсонлар қонининг тўкилишидан ташқари, миграция муаммосини ҳам келтириб чиқарди. Уйжойи, яқинларидан айрилиб, уруш олови ва очарчиликдан қочган минглаб одамлар ўз ватанларини ташлаб кетишга мажбур бўлишаётган эди. Хатарли вазиятда қолиб кетган Заҳро Давлятова оиласи ҳам бутунлай тинчини йўқотди.

– Жорий йилнинг сентябрь ойи ўрталарида кечган кунлар ҳаётимиздаги энг қора кунлар бўлди, – дейди Заҳро кўзига ёш олиб. – Дўконга чиққан вақтимизда турмуш ўртоғим қўнғироқ қилиб, ортга қайтмаслигимизни, уйимиз портлаб кетганини хабар қилди. Яхшиямки, ҳеч қайсимизга зиён етмади. Бор мол-мулкимиздан айрилиб, тоғли ҳудудга – қайнотамникига бориб яшай бошладик.

Ҳар куни портлатилган машиналарни, уй-жойларни, инсонларнинг бўлак-бўлак бўлиб ҳар жойда сочилиб ётган таналарини кўзимиз билан кўриб, даҳшатга тушардик. Ҳатто, ёш болалар бирон нохуш воқеа содир бўладиган бўлса, ота-оналари излаб юрмасликлари учун исм-шарифларини қўлларига, оёқларига сиёҳ билан ёзиб, ёки номлари ёзилган қоғозли тасмаларни бўйниларига осиб юришарди. Нақадар даҳшатли манзара!

Кўз кўравергач, кўп нарсаларни англаб етаркансан. Бомбалардан камроқ зарар кўриш учун кечаси ҳаво бирмунча совуқ бўлишига қарамай, деразаларни очиб ётардик. Чунки, бомба портлаши оқибатида ёпиқ деразаларнинг кучли зарбидан кўп одамлар нобуд бўлди. Ўлим билан ёнма-ён, қўрқув ичида яшашнинг ўзи бўлмайди. Масофавий ҳарбий ҳужумдан сўнгги русумдаги телефони бор инсонлар ўз-ўзидан портлаб кета бошлади. Қўрққанимиздан телефонларни узоқроқ жойга қўйиб, устини ёпиб қўяр эдик. Кечалари ухламай чиққан кунларимиз кўп бўлди. Фарзандларим салгина тарақлаган нарсадан ҳам қўрқиб кетадиган, дағ-дағ титрайдиган бўлиб қолишди. Болалигини ҳам унутиб қўйишди улар…

Бир томондан очарчилик бошланган. Қорин тўйдириш амримаҳол. Дўконларда нон йўқ. Нон пишириладиган жойларда одамлар навбат талашиб жанжаллашаётганларининг гувоҳи бўлардик. Қани энди, мўъжиза юз берсаю, юртимизга қайтиб кетсак, деб орзу қилардим...

Шундай кунларнинг бирида Заҳро рангин тушлар кўра бошлади. Бир кеча қисқа давом этган тушида Тошкентдаги ота ҳовлисида катта ўрик дарахти гуллаб турганини кўрди. Дарахт иккига айрилиб кетган, бир шохи гуллаб турган бўлса ҳам, бир шохи куйиб кетганмиш. Онаси эса тандирдан нон олиб, уни имлаб чақираётганмиш. Гарчи тушларнинг таъбирини билмасада, у гуллаган шохини Ливандан эсон-омон чиқиб кетишига, нонни эса ҳали ризқи узилмаганига йўйиб, қалбида умидбахш туйғулар жўш урди...

Эрта тонгдан у ҳокимлик вакилларига қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирди, ёрдам беришларини сўради. Мутасаддилар шу кундан бошлаб ҳамшаҳарларининг ўз юртига қайтиб келиши учун бор чораларни ишга солишди. Ҳамма ҳужжатлар тахт бўлганидан кейин ҳам электрон чипта олиш анча қийин кечди.

Чунки Байрутдаги вазиятга қараб самолётлар жадвали дам-бадам ўзгариб турар, парвоз тез-тез тўхтатиларди. Хуллас, анча югур-югурлардан кейин Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги ёрдамида Заҳро Давлятова ва унинг уч нафар фарзандига "Байрут-Дубай-Тошкент" рейси учун чипта олинди. Унгача шаҳар оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Ю.Жумаева Заҳро билан деярли ҳар куни телефон орқали мулоқот қилиб, умидини сўндирмасликка, ҳаммаси яхши бўлишига ишонтириб, руҳлантириб турди.

– Аэропортга етиб келишимиз ҳам осон кечмади, – дея ҳикоясини давом эттирди Заҳро. – Сафарга отланар эканмиз, юрагимдаги ҳадик ва саросима киндик қоним тўкилган муқаддас маконга етиб келгунча тарқамади. Яширинча айланма йўллар билан бир амаллаб аэропортга келдик. Ҳар қадамда хавф-хатар бизни таъқиб қилиб, ўлим шарпаси орқамиздан соядек эргашиб юрарди. То учадиган рейсимиз эълон қилингунга қадар жон ҳовучлаб ўтирдик. Чунки, ён-атрофдан бомбалар, жанговар қуролларнинг мудҳиш овози эшитилиб турарди. Айрим сабабларга кўра турмуш ўртоғим Ливанда қолиб кетди.

Ҳа, шу куни эсон-омон Ўзбекистонга етиб келган муҳожир оилани Чирчиқ шаҳри мутасаддилари кутиб олдилар. «Семурғ» маҳалласи аҳли оиланинг вақтинча яшаб туриши учун кўп қаватли уйлардан бир хонадонни ижарага олиб, шарт-шароитларини яратиб беришди. Келган куниданоқ маҳалла фаоллари оиланинг ҳолидан бохабар бўлиб туришибди.

Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси кўмагида тадбиркорлик билан шуғулланиши учун Заҳро Давлятовага микрокредит ажратилиши режалаштирилди. Фарзандлари Жавод, Суқна ва Наржислар илгари ўзлари ўқиган мактабга жойланди.

– Ватанимга, яқинларимнинг бағрига қайтишимга, тинч ҳаётда яшашимга сабабчи бўлган Президентимиздан чексиз миннатдорман. Юртбошимиз бошлаган бу хайрли ташаббусни рўёбга чиқишида сидқидилдан хизмат қилаётган вилоятимиз ва шаҳримиз ҳокимларига ўз ташаккуримни билдираман, – деди Заҳро ҳаяжонланиб.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда хориждаги ватандошларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шароитларини яхшилашга эътибор кучайди. Бунинг қадрига етишимиз, дунёнинг қайси бурчагида бўлмайлик, азиз Ўзбекистонимизнинг обрўси, эътибори ва шаънини сақлаш муқаддас бурчимиз эканини унутмаслигимиз лозим.

Дунёнинг турли нуқталарида миллий ва этник можаролар, уруш ва хунрезликлар бўлаётган паллада юртимиз тинч ва осуда, миллатлар ва элатлар ҳамжиҳатликда, хотиржам яшаётганига ҳар қанча шукрона айтсак арзийди.

**Ирода МУҲАММАДАЗИЗОВА,**
**Саодат МУСАЕВА,**
**журналистлар**

# Ёшлар – ҳар ишда фаол



Жумладан, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида Чиноз тумани Марказий ўйингоҳи ҳамда спорт мактаби биносининг атрофидаги майдонда маҳаллалардаги ёшлар етакчилари иштирокида 1 минг 200 туп кўчат экилди.

Шунингдек, мутахассислар томонидан кўчат экиш ва уни парваришлашда агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш юзасидан маълумотлар берилмоқда.

– Вилоятимиз бўйлаб ёшлар иштирокида 100 минг тупдан ортиқ ниҳол экишни режа қилганмиз, – дейди Тошкент вилояти Ёшлар ишлари бошқармаси бошлиғи Нодир Ҳожиев. – Жараённи бошлашдан аввал боғбонлар ва нуронийлардан маслаҳат олдик. Парвариш борасида ҳам уларнинг тавсияларига амал қиламиз.

Вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам кўчат экиш ишлари давом этмоқда.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати**

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



## Маънавият

**Нурафшон шаҳридаги Президент мактабида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамкорлигида "Китобсевар миллат" шиори остида "Китобхон болалар" ва "Дунё даҳолари" рукнида чоп этилган китоблар тақдимоти ўтказилди.**

# Нурафшонда янги китоблар тақдимоти







Тадбирда журналистлар, вилоятдаги ахборот-кутубхона марказлари мутахассислари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган "2023 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишга давлат ижтимоий буюртмаларини тақдим этиш учун танлов"да Журналистлар уюшмаси "Аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, баркамол шахсни тарбиялашда китобхонлик маданиятини ошириш" лойиҳаси бўйича ғолибликни қўлга киритгач, бу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришга қўшимча моддий имконият яратилди.

Жумладан, ушбу лойиҳа доирасида болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган ўн номдаги ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини нашрга тайёрлаш, чоп этиш, аудио шаклларини яратиш ҳамда уларни давлат буюртмачиси билан келишган ҳолда ахборот-кутубхона муассасаларига беғараз тақдим этиш белгиланган эди.

Шу кунгача "Китобхон болалар" рукни остида "Шалола", "Оқ қовуннинг боласи", "Учар ҳаммом", "Сеҳргарнинг узуги", "Болаликнинг қўлидан тутиб" номли китоблар "O'zbekiston nashriyoti" давлат унитар корхонасида, "Дунё даҳолари" туркумидаги "Стив Жобс – компьютерга жон берган одам", "Муҳаммад Али – барча даврларнинг буюк боксчиси", "Леонардо да Винчи – замонасидан илгарилаб кетган ақл соҳиби", "Моцарт – мусиқа даҳоси", "Альберт Эйнштейн – серқирра даҳо" номли китоблар эса "ASAXIY BOOKS" масъулияти чекланган жамиятида чоп этилди.

Нашрдан чиққан китобларни варақлар экансиз, улардан ўрин олган шеърлар, ҳикоялар ва эртаклар мазмунига мос ажойиб расмлар билан бойитилиб, болалар эътиборини ўзига жалб қиладиган ажойиб дизайн ва ёркин қиёфада чоп этилганига тасанно дейсиз.

"Дунё даҳолари" рукни остида чоп этилган китоблардан ўрин олган машҳурларнинг ҳар бири ўз йўли, тафаккури, ихтиролари, оламшумул ишлари ва ҳатто тақдири билан дунёни ўзгартирган. Бу инсонлар барчани ҳайратга соладиган, тасаввур ва қизиқиш уйғотадиган ажойиб шахслар бўлиб, улар билан боғлиқ ҳаётий ҳикоялар ўзига оҳанрабодек тортади.

Айни пайтда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан юқоридаги ўнта китобнинг аудио варианти ҳам тайёрланмоқда. Яқин кунларда ушбу китоблар аудио вариантлари билан бирга мамлакатимиздаги ахборот-кутубхона муассасаларига бепул тақдим этилади.

**Отабек ИСРОИЛОВ**

## Сўраган эдингиз



**– Банкдан уч йилга истеъмол кредити олганман. Энди хорижга ишга бормоқчи эдим. Танишларим банкдан кредит олган бўлсанг чет давлатларга чиқишга чеклов қўйилади дейишмоқда. Мен хорижга ишлаш учун кетолмайманми?**

**Аброр ХАЛИЛОВ,**
*Зангиота тумани*

**Саволга ҳуқуқшунос-маслаҳатчи Зафар ҚАРШИЕВ жавоб беради:**

– Банк билан ўртангиздаги муносабатларнинг барчаси фуқаролик ҳуқуқий шартнома ҳисобланган кредит шартномаси билан тартибга солинган. Эътибор берган бўлсангиз, шартномада сизнинг хорижий давлатга чиқишингизга чеклов ўрнатадиган ҳеч бир қоидалар мавжуд эмас. Агар мавжуд бўлган тақдирда ҳам бу ноқонуний ҳисобланади. Конституциямизнинг 32-моддасида «Ҳар ким Ўзбекистондан ташқарига эркин чиқиш ҳуқуқига эга» деб белгилаб қўйилган. Бу дегани кредит шартномасида сизни хорижга чиқишингизни чекланиши Конституция қоидаларига зид ҳисобланади.

Лекин, қарзларингизни вақтида тўламаган ва ишингиз мажбурий бюрога ижро учун оширилган бўлса хорижга чиқишингиз вақтинча чекланиши мумкин. "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 42-1-моддасига асосан суд ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда, давлат ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича қарздорнинг Ўзбекистондан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Қисқа қилиб айтганда, кредит олганингизда хорижга чиқиш ҳуқуқингиз чекланмайди.

## Ҳафталик

**Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам "Бағрикенглик ҳафталиги" ўтказилмоқда.**

# ЎЗБЕКИСТОН – бағрикенг диёр





Хусусан, Нурафшон шаҳридаги "НТТ ва Дўстлик уйи"да ҳафталик доирасида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Брифингда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Тошкент вилояти ҳудудий бўлинмаси бошлиғи Иброҳим Холматов ҳафталик доирасида амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлича маълумот берди. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева бу саъй-ҳаракатлар аҳолини янада ҳамжиҳатликка чорлаши хусусида фикр билдирди.

Ҳафталикдан кўзланган мақсад – аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар ўртасида ватанпарварлик туйғуларини янада кучайтириш, бағрикенгликка асосланган миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш орқали уларнинг жамиятимиз ривожидаги иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилишдир.

Қайд этилганидек, бугунги кунда вилоятда саксондан зиёд турли миллат ва элат вакиллари ўзаро аҳил, тотувликда фаровон ҳаёт кечирмоқда. Шунингдек, ўттиздан ортиқ миллий-маданий марказлар самарали фаолият юритмоқда, элликдан ортиқ диний конфессиялар ташкил этилган.

Ҳафталик доирасида улар иштирокида туман-шаҳарлардаги истироҳат боғлари, маданият масканлари, дўстлик уйларида "Маърифат ва миллатлараро бағрикенглик" шиори остида "Ўзбекистон – бағрикенг диёр" номли қардош халқлар ёзувчи, шоир ва рассомларининг бадиий асарлари кўргазмаси ташкил этилмоқда.

Шунингдек, ҳудуддаги олийгоҳлар талабалари "Китобхонлик бизни бирлаштиради" номли китоблар кўргазмаси, "Биз бир мамлакатда яшаётган ягона халқмиз" мавзусидаги илмий-амалий ва маърифий тадбирлар билан қамраб олинмоқда. Эътиборлиси, ҳафталикка 10 мингдан зиёд аҳолини қамраб олиш режалаштирилган.

– Айни пайтда вилоятимизда 300 минг нафарга яқин тожик миллатига мансуб аҳоли 28 та маҳаллада турли миллат вакиллари билан аҳил-иноқ яшаб келмоқда, – дейди вилоят Тожик миллий-маданий маркази раҳбари Саврон Мирзаев. – Ҳудудлардаги умумтаълим мактабларида тожик миллатига мансуб ўқувчилар учун махсус синфлар ташкил этилган ва билим олишларига етарлича шароит яратилган. Бундан ташқари, "Сўғдиён", "Ситора" ва "Гулдуҳтарони Масчо" рақс дасталари фаолият юритмоқда. Икки йил аввал "Дўстлик уйи"да тожик миллий маданиятини акс эттирувчи музей ташкил этдик.

Тадбир давомида миллатлараро дўстлик, бағрикенгликни ифодаловчи суратлар кўргазмаси, қўл меҳнати билан ясалган ҳунармандчилик намуналари намойиш этилди.

**Нигора ЎРОЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

## Сирли табиат

### КИЙИК ИЛОН ЕЙДИ(МИ?)



**Ҳа, ҳар доим эмас, бир йилда бир марта илон ейди. Айниқса, кийик бурнини илоннинг уяси тешигига тиқиб, ўзига чорлаши жуда қизиқ ҳодиса. Унинг бурнидаги нафасда илонни ўзига чорлайдиган оҳанрабо бор. Бу ҳақда бундан 1200 йил олдин буюк табиб Абу Бакр Розий ҳайвонларнинг ўз-ўзини даволаш хусусияти ҳақидаги асарида айтган. Кийик илонни ейиш орқали бир йил давомида ўзининг танасида тўпланиб қолган токсик моддаларга иммунитет ҳосил қилади.**

**Ўтган йили АҚШнинг Техас штатида кийик илон еяётгани видеоси тарқалиб, анча шов-шув бўлган эди. У ерлик олимлар ҳам бу ҳолни тушунтириб бериша олмаган. Маҳаллий одамлар эса ўтхўр ҳайвон зомбига айланибди, деб шов-шув кўтаришган.**

### МАЙМУНЛАР НЕГА ШЕР БОЛАСИНИ ЎҒИРЛАШАДИ?



**Африка саванналарида кўплаб табиатшунос олимларни ҳайратга солувчи воқеа кузатилган. У ерда яшовчи бабуин маймунлари доимий равишда янги туғилган шер болаларини ўғирлашга ҳаракат қилишади. Ҳаттоки бу вазифани бажариш учун улар махсус гуруҳ ҳам ташкил қилишар экан.**

**Бу ҳолат табиатшунос тадқиқотчиларни жуда қизиқтириб қўйди. Ахир қандай қилиб маймунлар қўрқмай хавфли йиртқичнинг, яна "ҳайвонлар қироли" деб ном олган ҳайвоннинг болаларини ўғирлашлари мумкин?..**

**Аниқланишича, бабуин маймунлари шерлар томонидан осон ва мазали ўлжа ҳисобланар экан. Натижада маймунларда шерлардан ҳимояланиш эҳтиёжи пайдо бўлган. Улар келажакда рўй бериши мумкин бўлган хавфнинг олдини олиш мақсадида шерларни кичиклик вақтида йўқ қилишга ҳаракат қилишган ва доимий равишда шер болаларини ўғирлаб, уларни ўлдиришган.**

### АЙИҚ ЖУДА ТЕЗ ЮГУРАДИ



**Айиқ жуда хавфли йиртқичдир, ундан пиёда қочиб қутулишнинг мутлақо иложи йўқ. Чунки у соатига 50 километр тезликда югура олади ва унча-мунчага чарчамайди. Энг ёмони, у ўлжасини қувишдан тўхтатмайди, керак бўлса ҳафталаб қувади.**

**Шунинг учун айиқ яшайдиган жойларга бормаслик керак.**

## Эҳтиёт шарт

# "ҚОРА ОҚСОҚ"ДАН САҚЛАНИНГ

**Маълумки, аксарият аҳоли хонадонида уй ҳайвонларини парвариш қилади. Аммо айримлар уй ҳайвонларидан турли касалликлар юқиши мумкинлигига аҳамият беришмайди. Шулардан бири халқ тилида қора оқсоқ деб аталувчи бруцеллёз касаллигидир.**

Қора оқсоқ ўта хавфли юқумли касаллик бўлиб, у асосан, инсонга ҳайвондан юқади ва таянч-ҳаракат аъзолари ҳамда асаб тизимининг шикастланишига олиб келади. Касалликнинг юқиши, айниқса, ҳайвонларнинг кўпайиш даврига тўғри келади. Сўнгги пайтларда бу касаллик 18 дан 50 ёшгача бўлганлар ҳамда болалар орасида кўп учрамоқда.

Бруцеллёз, асосан, эчки, қўй, йирик шохли қорамол, чўчқаларда учрайди ва мулоқот ҳамда нафас йўллари орқали юқади.

Хўш, уй ҳайвоналарида қора оқсоқ касаллиги борлигини қандай аниқлаш мумкин?

Бруцеллёзга чалинган ҳайвонларда бола тушиши, ўлик туғиш, сутининг камайиши, вазн ташлаш, чўлоқланиш каби ҳолатлар кузатилади. Одамлар касалланган ҳайвонларнинг гўшти, сути ва улардан тайёрланган маҳсулотларни истеъмол қилиш оқибатида хасталикни юқтириб олишади.

Касалликнинг яширин даври 1-2 ҳафта, сўнгра аста-секин ривожланади. Одатда касалликка чалинган беморлар қуйидагилардан шикоят қилишади:

– бўғимлардаги оғриқ (баъзида жуда кучли ва азобли);

– тана ҳароратининг 38 даражадан ошиши;

– кучли терлаш;

– заифлик ва қувватсизлик.

Аввалига касаллик унча хавфли кўринмаслиги мумкин. Аммо вақтида даволанмаслик жиддий оқибатларга олиб келиши, ҳатто бемор ногирон бўлиб қолиши мумкин.

Қора оқсоқ касаллигига чалинмаслик учун доимо гигиена қоидаларига риоя этиш, ҳайвонлар ҳомиласи тушганда ветеринария ходимларига мурожаат қилиш, уй ҳайвонларини вақтида бруцеллёзга қарши эмлатиш, сутни қайнатиб ичиш, хом қаймоқни тановул қилмаслик керак. Бу орқали сиз ўзингиз ва оила аъзоларингизни юқумли касалликдан асраган бўласиз.

**Зулфия САЙЛИЕВА,**
**врач-эпидемиолог**

## Эълон


**Марказий банкнинг Тошкент вилояти Бош бошқармаси**

бошлиғи жорий йил 20 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳрининг "Гулистон" маҳалласи биносида жисмоний ва юридик шахслар вакиллари билан

**САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗАДИ.**

Шу муносабат билан ҳудуддаги жисмоний ва юридик шахслар вакиллари сайёр қабулда иштирок этишга таклиф этилади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 19 июлдаги “2024-2025 йилларда Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолининг яшаш шароитларини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, мазкур йилларда ҳудудда 104 та лойиҳага жами 3,4 трлн. сўм маблағ йўналтирилиб, 4 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

ҳеч қандай тушум тушмайди. Лойиҳани амалга ошириш ҳисобига эса бу жойда хизмат кўрсатиш, овқатланиш мажмуаларини ишга тушириш, 250 та янги иш ўрни яратиш ҳамда бюджетга 3,8 миллиард сўм тушум қилиш режалаштирилган.

Бугун меҳнат қилган одам, албатта, роҳатини ҳам кўрадиган замонда яшаяпмиз. Ҳаракатларимиз бир мақсад, яъни – халқимизнинг фаровонлигини оширишга қаратилган.

бирга, тумандаги Марказий ўйингоҳ атрофида йирик тадбирларни ўтказиш ва аҳолининг маданий ҳордиқ чиқаришига шароит яратиш мақсадида амфитеатр биносини қуриш ҳам кўзда тутилган.


## СОН ЭМАС, СИФАТ...

Аҳоли сонининг ортиши натижасида уй-жойга бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Бунинг натижасида бугун кўпгина қурилишлар “Мендан кетгунча” қабилида битмоқда. Натижада, ўша хонадонларда истиқомат қилаётганларнинг ҳаётига хавф солувчи омиллар вужудга келмоқда. Туманимизда бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун тегишли мутасаддилар билан гаплашиб олганмиз. Бунда, энг аввало, талабга жавоб бермайдиган, эски кўп қаватли уйлар ўрнига янги, замонавийларини қуриш режалаштирилган. Жумладан, “Бирлик” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган, “ёшини яшаб бўлган” 54 та якка тартибдаги уй-жойларни кўчириб, ўрнига 18 та 7 қаватли 468 та хонадонли кўп қаватли уйлар бунёд этилади. Шунингдек, “Мустақиллик” маҳалласида жойлашган, 1967-1970 йилларда қурилган

Савдо-саноат, хизмат ва замонавий агротехнологиялар соҳасида “драйвер” лойиҳалар ишлаб чиқилади ва амалиётга татбиқ этилади. Натижада қиймати қарийб 10 млрд. сўм бўлган 5 та лойиҳа йил якунига қадар ишга туширилади. Ўз-ўзидан маълумки, бу каби лойиҳалар орқали янги иш ўринлари барпо бўлади, аҳолининг турмуш тарзи ижобий томонга яхшиланиб боради ва уларда шукроналик, шу юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ортади.

Маълумки, ҳозирда барча хонадонларда кўплаб маиший техника воситалари ишлатилади. Бу эса электр таъминотига бўлган талабнинг кун сайин ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Эндиликда электр энергиясидан оқилона фойдаланишимиз шарт ва зарур. Бунинг учун энг тежамкор технология – қуёш панеллари ўрнатиш мақсадга мувофиқ. Тежамкор ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни оммалаштириш – давр талаби. Буни аҳолига тўғри тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш лозим. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, аҳоли ва ташкилотларнинг ўзидан ортган электр энергиясини электр таъминоти корхонаси оширилган нархда харид қилади. Қуёш панеллари 4-5 йилда сарфланган харажатларни оқлайди. Мазкур замонавий тежамкор қурилмаларни ўрнатишда асло иккиланиш керак эмас.

# Оққўрғон: ТАРАҚҚИЁТ УЧУН ТАРИХИЙ ИМКОНИЯТЛАР




## АҲОЛИГА ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТИЛАДИ

Юқоридаги қарорда барча тармоқларни ривожлантириш, бу орқали аҳолига янада қулайлик яратиб, яшаш шароитини яхшилаш, ишсиз қатламнинг бандилигини таъминлаш каби мақсадлар кўзда тутилган. Хусусан, йил якунига қадар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 104 фоизга бажарилишини таъминлаш, бунинг ортидан 8,7 мингта янги иш ўринлари яратиш вазифаси белгилаб олинган.

Тумандаги “Қаҳрамон”, “Гулистон”, “Ёшлик”, “Сувти”, “Хонобод”, “Зарафшон”, “Зарбдор”, “Толовул”, “Уста Нормат”, “Бирлик”, “Султонобод”, “Қўрғонтепа”, “Халқобод”, “Маданият” ва “Элтамғали” маҳаллаларида 73 км. ичимлик суви тармоғи таъмирланади ва 15 та иншоот қурилади. Ишлар якунига етгач, 2,1 мингта хонадонда истиқомат қилувчи 8 минг 970 нафар фуқаро ичимлик суви билан таъминланади.

Шунингдек, “Бўка-Гулистон” А-373 автомобиль йўлининг Оққўрғон тумани, “Навбаҳор” МФЙ ҳудудидан ўтувчи 6 км. қисмида йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, 42 та савдо ва сервис объектлари қуриш бўйича лойиҳа концепцияси ишлаб чиқилади. Бунинг ҳисобига 250 та янги иш ўрни яратилиб, аҳоли даромадли меҳнат шароитларига эга бўлади.

Умуман олганда, бугунги кунда аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг даромад топишларига шароит яратиш энг муҳим вазифадир. Шу мақсадда туманимизнинг “Бирлик” МФЙ ҳудудида жойлашган “Ўрмон хўжалиги” балансидаги 11 гектар ер майдонидан самарали фойдаланиш кўзда тутилган бўлиб, бу бўйича махсус лойиҳа ишлаб чиқилган. Ҳозирда мазкур ҳудуддан бюджетга

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)









*Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар*

Бундан ташқари, туман марказида жойлашган “Ором” дам олиш масканини қайта ташкил этиш мақсадида 10 млрд. сўм ажратилади. Мазкур маблағ масканда хизмат кўрсатиш ва оилавий дам олиш объектлари, аттракционлар, болалар майдончалари, яшил майдонлар ҳамда пиёдалар йўлаклари, шаҳарлар ва айрим тарихий объектларнинг макетларини қуриш учун йўналтирилади. Шу билан 9 та 2 қаватли уйларнинг деворларида ёриқлар пайдо бўлганлиги сабабли уларнинг ўрнига ҳам замонавий уйлар қуриш, атрофини ободонлаштириш, манзарали кўчатлар экиб, кўкаламзорлаштириш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, С. Сегизбоев номли маҳалла ҳудудидаги 5 гектар ер майдонида “Янги Ўзбекистон массиви”ни барпо этиш орқали уй-жойга муҳтож оилаларнинг кўп йиллик орхий ислоҳотлар шароитида қаддини янада тиклайди, юксалади, ривожланади. Бу жараёнларга камарбаста бўлиб, дахлдорлик ҳисси билан яшаётган ҳар қандай даражадаги раҳбар, масъул ходим одамларнинг дуосига қолади, халқнинг беқиёс меҳрига мушарраф бўлади.

**Тўра БОБОЛОВ,**
**Оққўрғон тумани ҳокими**

## ТАЖРИБАЛАР – АМАЛДА

Дарвоқе, туманда “Сайхунобод”, “Зарбдор”, “Ғиждувон, “Уйчи” тажрибалари асосида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан,

– “Сайхунобод” тажрибаси асосида “Навбаҳор” маҳалласидаги 450 та хонадонда иссиқхона , “Қўрғонча” маҳалласида жойлашган 56 та хонадонда асаларичилик ташкил қилинди;

– “Зарбдор” тажрибаси асосида “Бирлик” маҳалласида “Babalak-ota” МЧЖ томонидан тиббий хизмат кўрсатиш, “Қаҳрамон” маҳалласида эса “Richbek” МЧЖ томонидан тоза ичимлик сувини қадоқлаш йўналишида янги лойиҳалар ишга туширилди;

– “Ғиждувон” тажрибаси асосида туманнинг “Бирлик”, С. Раҳимов номли ҳамда “Зарафшон” маҳаллаларида жами 8 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Шундан “Бирлик” маҳалласида “Elinoz” МЧЖ томонидан умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш йўналишида 20 та ҳамда “Best Innovation project” МЧЖ томонидан аҳолига уй-жой хизмат кўрсатиш йўналишида 10 та янги иш ўрни яратилди;

– “Уйчи” тажрибаси асосида ҳафтанинг 2-куни тадбиркорлар билан учрашув ўтказиш йўлга қўйилган бўлиб, натижада қатор муаммолар тезкорлик билан ҳал қилинмоқда.

Тошкент шаҳри ва вилоятнинг пойтахтга туташ туман ва шаҳарларига қатнаб ишлаётган 5 минг нафар фуқародан 3 минг 178 нафари туманда ишга туширилган саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналарига жойлаштирилди.

Мактаб ва мактабгача таълим, тиббиёт, хизмат кўрсатиш, тоза ичимлик суви, табиий газ ва электр таъминоти, умуман олганда, ҳар бир йўналишда ижобий янгиланишлар бўлаётганини, аҳолининг турмуш тарзи тобора яхшиланиб бораётганини бугун ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз.

Албатта, амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар инсон қадри учун.

Оққўрғон тумани ҳам бугунги тари-

TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI

“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

**Zoyir MIRZAYEV**
*(tahrir hay’ati raisi)*
**Abdusamad NOSIROV**
**Ummat MIRZAQULOV**
**Hotamjon SAYDAHMEDOV**
**G‘afurjon MUHAMEDOV**
**Sayyora FAYZIYEVA**
**Tohir ARIPOV**
**Mahmud TOIR**
**Uskenboy ATEMOV**
**Abdulla XURSANOV**
**Kumush EGAMBERDIYEVA**
**Behzod QOBULOV**
**Olimjon BEGALIYEV**
**Zarifa ERALIYEVA**
**Sergey MUTIN**

Bosh muharrir:
**G‘ayrat SHERALIYEV**

**Qabulxona:**
(55) 520-64-95
**Bosh muharrir o'rinbosari:**
(55) 520-04-10
**Mas’ul kotib:**
(55) 520-05-10
**Bo‘lim muharrirlari:**
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20
**E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:**
(55) 520-21-20
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:
**Alloma AZIZOVA**
Navbatchi:
**To‘xtamurod HASANBOYEV**

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 22:30
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-1135.
2 845 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
**Bahosi kelishilgan narxda.**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2.
**ISSN 2010-9318.**

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

**«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.**
**Korxona manzili:**
**Toshkent shahri,**
**Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.**


1 2 3 4 5 6

Дарвоқе

# Мутолаа учун қурилган қаср

**Пекиндаги кутубхонанинг дунёда қиёсдоши бўлмаса керак. Уни китоб, китобхонга атаб қурилган қаср дейиш мумкин. Ғоят муҳташам, аммо фақат ўзигагина хос меъморий ечимда бунёд этилган кутубхона яна неча ўн йиллар турсада замонавийлик касб этаверади.**

Икки минг ўриндиғи бўлган қасрда ҳамма нарса, барча қулайлик бор. Ўқувчилар ўриндиғи улкан бинонинг ичида тўртта тепаликка устма-уст қаторлаштириб жойлаштирилган. Ҳар бир жойда стол чироғи, компьютер монитори, телефон, бошқа жиҳозларни қувватлантириш ускуналари бор. Қаторларга ўтаверишда ён деворга монитор қўйилган бўлиб, китобхон истаган китоб кутубхонанинг қаерида турганини дарҳол кўрсатади. Расталар, қатламларда китоблар мавзу ва муаллиф номига қараб тахланган. Тепаликлар ва қаторлар орасидан мовий ойналардан тўсиб йўлак қилинган. Ундан юрсангиз ўтирган китобхон эътиборига тушмайсиз. Ҳар қадамда юмшоқ мебеллар қўйилган дам олиш бўлинмалари яратилган. Бу ерда кўздаги чарчоқни қолдирувчи дизайн ишланган.



Тепаликларнинг бир ёнида туну-кун, яъни 24 соат очиқ бўлган каттагина бўлинма ташкил этилган. Бу ердаги овқатланиш шахобчалари ҳам 24 соат ишлайди. Дарвоқе, ўқувчилар учун қаҳва тайёрлаб ичиладиган ўнлаб жиҳозлар қўйилган. Кутубхона томи томчи шаклида ёпилган бўлиб, вақти-вақти билан очилиб туради.

Пекин халқ кутубхонасининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу ерда сунъий интеллект бўлиб, унга исталган саволингизни бериш мумкин. У эса ҳозиржавоб. Дарҳол сиз сўраган керакли маълумот, ахборот ва далил-у рақамларни айтади. Унинг “мия”сига жамики маълумотлар жойланган.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ**
*Пекин, Хитой*

“Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталари жамоаси таҳририятда узоқ йиллар самарали хизмат қилган меҳнат фахрийси, таниқли фотожурналист **Даврон АҲМЕДОВ (Даврон АҲМАД)нинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.